

Қозиликни қабул қилиш ва қабул қилмаслик тўғрисида



18:00 / 15.11.2020 1090

15-боб

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий раҳимаҳуллоҳ айтадилар:

Қозиликни қабул қилиш тўғрисида ҳам уламолар орасида ихтилоф бор. Баъзилар қозиликни қабул қилиш дуруст эмас, деб айтишди. Баъзилар эса, ўзи талаб қилмасдан туриб қозиликка тайинланса, агар у шу ишга салоҳиятли бўлса, қабул қилса, зарари йўқ, дейишди. Бу иккинчиси бизнинг соҳибларимиз сўзидир.

Уни қабул қилиш дуруст эмас, деган кишилар Оиша розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган ушбу ҳадисни ҳужжат келтиришади: **«Қиёмат кунида одил қози келтирилади ва икки кишининг орасида қозилик қилишни ёмон кўриб қоладиган даражада қаттиқ ҳисобга ташланади».**

Яна Абу Хурайра розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан: **«Ким қозиликка тайинланса, гўё пичоқсиз сўйилибди»**, деб айтганларини ривоят қилганлар.

Шурайк Ҳасан Басрийнинг шундай деганларини ривоят қилади: «Бани Исроилдан бир киши, агар қозиликка тайинланишга сўралса, пайғамбарликдан ноумид бўлар эди».

Абу Айюб айтадилар: «Абу Қулоба қозиликка чақирилганида, Шомга қочиб келди. Унинг келиши Шом қозиси лавозимидан бўшаш вақтига тўғри келди. Натижада яна қочди ва яшириниб юриб, Ямомага келди. Шундан кейин уни кўрганимда: «Қози денгизда сузаётган кишига ўхшар экан, агар яхши сузолмаса, фарқ бўлиб кетади», деди у».

Суфён Саврий қозиликка чақирилганларида, Басрага қочиб яшириндилар. Амирул мўминин ортларидан одам юборди, лекин уни топишолмади. У зот беркиниб юриб вафот этиб кетдилар.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга дарра уришди, ҳибс қилишди, лекин қозиликни қабул қилмадилар.

Қозиликни қабул қилишнинг зарари йўқ, деган кишиларнинг ҳужжати Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Ким қозиликни хоҳласа ва ёрдамчи сўраса, ўзига қолдирилади. Ва ким қозиликка мажбуран тайинланса, уни тўғирлаб турадиган бир фаришта тушади».**

Ҳасан Басрий айтадилар: «Бир кунлик адолатли ҳукмнинг ажри уйида этмиш йил намоз ўқиган кишининг ажридан афзалроқдир».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуррахмон ибн Сумрага: «Амирликни сўрама, чунки агар ўзинг сўраб олсанг, унга вакил қилинасан, ўзингга сўрамасдан берилса, ёрдам оласан», дедилар.

Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилинади: «Икки киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига киришди ва: «Бизни баъзи ишларингизни бажариш учун тайинласангиз, бизда омонатдорлик ва яхши хислатлар бор», дейишди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Биз ўзи хоҳлаган ва талаб қилган кишини ишларимизга бошлиқ қилиб тайинламаймиз», дедилар».

«Бўстонул Орифийн» китобидан